Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2018 йил 1 март • пайшанба • № 26 (3999)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

### Санкт-Петербургда ёшлар форуми

Ўзбекистон касаба уюшмалари делегацияси Алоқа ходимлари касаба уюшмаси халқаро бирлашмаси таклифига биноан Санкт-Петербург шаҳрида ўтган Ёш алоқа ходимларининг халқаро касаба уюшмалари форумида иштирок этди.

2-бет

### Кечикаётган одамлар

Боёвут шаҳарчасида яшайман. Иш жойим Гулистон шаҳрида бўлганлиги учун ҳар куни барвақт йўлга чиқишга мажбурман. Устига-устак, машиналар одам тўлмагунча жойидан жилмайди денг. Шу тариқа соатлаб вақт йўқотамиз. Шунданмикин, бизнинг ҳудуддан қатнаб ишлайдиганларни баъзи ишхоналарда «кечикадиган одамлар» деб эркалаб ҳам қўйишади.

3-бет

### Чирой очаётган шаҳар

Трамвай йўналиши — ўзига хос туристик маршрут. Самарқандликлар меҳмонини шу уловда сайр қилдириши мумкин. Бу уларга олам-олам таассуротлар ҳадя этиши шубҳасиз. Президентимиз ўтган йили трамвайда темирйўл вокзалигача бориб, қатновнинг очилишида иштирок этган эди. Ўша кун Самарқандда ўзига хос байрамга айланди.

4-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ АЙРИМ ТОИФАЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Узлуксиз таълим ягона тизимининг муҳим бўғини сифатида мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг муносиб шарт-шароитларини яратиш, юқори малакали кадрларни, шу жумладан, ёш битирувчиларни жалб этиш, жамиятда давлат мактабгача таълим муассасалари педагогларининг нуфузини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг давлат мактабгача таълим муассасалари ходимлари айрим тоифаларининг:

а) 2018 йил 1 мартдан бошлаб — мудирлар, тарбиячилар, методистлар, ўқитувчилар, дефектологлар, психологлар, мусиқа раҳбарлари ва тарбиячининг ёрдамчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини 30 фоизга;

б) 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб:

тайёргарлик (5 ёшдан 6-7 ёшгача) гуруҳи тарбиячилари, олий маълумотли ўқитувчилар, дефектологлар, психологлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини, уларнинг базавий тариф ставкалари миқдорларини умумтаълим мактаблари бошланғич синфлари ўқитувчиларининг базавий тариф ставкалари миқдорларига тенглаштирган ҳолда 30 фоизга;

олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар педагогик маълумотли тарбиячининг ўринбосарлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини 20 фоизга;

мактабгача таълим муассасалари мудирлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини 10 фоизга табақалаштириб ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод, Касби, Миришкор, Қамаши, Чироқчи, Нишон, Яккабоғ ва Ғузор туманларида, Бухоро вилоятининг Олот, Шофиркон, Қоракўл, Пешку ва Ромитан туманларида, Сурхондарё вилоятининг Қизириқ, Музработ, Олтинсой, Бойсун, Қумқўрғон, Узун, Сариосиё туманларида жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларида болалар сақланганлиги учун амалдаги ота-оналар тўлови миқдори 2023 йил 1 январгача бўлган муддатда икки баравар пасайтирилсин.

3. 2018 йил 1 мартдан бошлаб давлат мактабгача таълим муассасаларида тарбиячининг ёрдамчиси меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби базавий тариф ставкаларидан келиб чиқиб жорий этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2018 йилда ушбу қарорга мувофиқ давлат таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкаларини ошириш бўйича қўшимча харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобига молиялаштирилишини таъминласин, 2019 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда ушбу харажатларни назарда тутсин;

давлат мактабгача таълим муассасаларини моддий рағбатлантиришнинг махсус жамғармасини шакллантиришга қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг қатъий равишда 15 фоизи миқдорида қўшимча маблағлар ажратилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги моддий рағбатлантиришнинг махсус жамғармаси маблағларидан мақсадли ва манзилли фойдаланилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин, давлат мактабгача таълим муассасалари харажатлари сметаларида улар алоҳида сатрда ажратилишини назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сон қарорининг 32-иловасига иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В.Акмалов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А.Қўчқоров ва мактабгача таълим вазири А.В.Шин зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 28 февраль

2 ▸

## КУН НАФАСИ

27 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида **экспортни кўпайтириш ва импортни қисқартириш бўйича қўйилган вазифалар ижроси, бу борада тармоқлар ва ҳудудлардаги ишлар ҳолати таҳлилига** бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди. Видеоконференция алоқаси орқали Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри раҳбарияти, маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идораларнинг ҳудудий тузилмалари, экспортчи корхоналар вакиллари қатнашди.

Йиғилиш танқидий руҳда ўтди. Давлатимиз раҳбари экспорт режасининг бажарилишидаги камчиликларни чуқур таҳлил қилиб, асосий йўналиш ва вазифаларни белгилаб берди.

***

27 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев **Доминикан Республикаси Президенти Данило Медина Санчесга ушбу мамлакат Мустақиллиги куни** муносабати билан табрик йўллади.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш керак, мазкур давлат 1844 йил 27 февраль куни Гаити мустамлакасидан чиққан ва мустақил Доминикан Республикасига айланган.

***

**Улуғбек Абдурасулович Маҳмудов «Ўзбекозиқовқатзахира» уюшмаси бошқаруви раисининг ўринбосари** этиб тайинланди.

У. Маҳмудов «Равнақбанк» хусусий акционерлик тижорат банкида Кенгаш аъзоси лавозимида фаолият юритиб келаётган эди.

***

Тошкентда **Маркетинг ва реклама ҳафталиги ўтказилмоқда.** Тадбирлар асосида Маркетинг Конференцияси, Маркетинг ва реклама кўргазмаси, ADWEEK реклама Танлови ҳамда Инновацион ярмарка, workshop ва мунозаралар ташкил қилинади.

Кўргазмани ўтказишдан мақсад реклама ишлаб чиқарувчи агентликлар, дизайн-студиялар, web-студиялар, матбаа корхоналари, медиа агентликлари, маркетинг агентликлари, видео маҳсулотлар, сувенир (эсдалик) маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилари каби маркетинг бозорининг асосий иштирокчилари эришган ютуқларини намойиш этиш ва рақобатни ривожлантиришдан иборат. Кўргазма 28 февралдан — 2 мартгача давом этади ва иштирокчиларни тақдирлаш маросими билан якунланади.

**Интернет нашрлари ҳамда ўз мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЭЛЧИЛАРИНИНГ ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 февраль куни Покистон Ислом Республикаси, Швейцария Конфедерацияси, Латвия Республикаси, Исроил Давлати, Германия Федератив Республикаси, Словакия Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Ирфон Юсуф Шомий, Оливье Шав, Михаилс Попковс, Эдуард Шапира, Гюнтер Оверфельд, Ян Бори ва Цзян Яндан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

Давлатимиз раҳбари элчиларни мамлакатимизда дипломатик миссиясини бошлагани билан самимий қутлаб, масъулиятли фаолиятида улкан ютуқ ва муваффақиятлар тилади.

Маросимда Ўзбекистон кучли фуқаролик жамияти ва жадал ривожланаётган бозор иқтисодиётига эга эркин ва демократик давлат барпо этишнинг янги тарихий босқичига қадам қўйгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида бошланган кенг кўламли ислоҳот ва ўзгаришлар мукаррарлик тусини олмоқда.

Очиқ ташқи сиёсат олиб бормасдан, кўп қиррали ва ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни мустаҳкамламасдан туриб белгиланган вазифаларни амалга ошириб бўлмаслиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида ғоят қисқа даврда салмоқли натижалар қўлга киритилди. Хорижий давлатлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашда бундан буён ҳам барча саъй-ҳаракатларини сафарбар этиши ҳамда очиқ, дўстона ва амалий ташқи сиёсат олиб боришни давом эттиришини таъкидлади. Бунда аввало қўшни давлатлар билан муносабатларга алоҳида эътибор берилади.

2 ▸

1 март — Зулфияхоним таваллуд топган кун

## ҲАҚИҚАТ ХАЁЛДАН БОШЛАНАР

**Зулфияхоним шеърияти, Ватан ва халқ олдидаги улкан хизмати, ибрати билан эртада ҳам яшаш имкониятига ишонган ва шунга интилган. Бундай ишонч, интилиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Аксарият кишилар бугуни билан яшайди. Қулоч ва қаричини ҳам шунга қараб чамалайди. «Ўлдинг, ўчдинг, йўқ бўлдинг» қабилида яшайди, меҳнат қилади. Не ажабки, шоиранинг ишонч, интилиши саробга айланмади, балки ҳақиқат бўлиб чиқди.**

4 ▸

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЭЛЧИЛАРИНИНГ ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

◂1

Шунингдек, дунёнинг етакчи мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли шерикликни кенгайтириш сиёсати давом эттирилади.

Президентимиз ўз нутқида янги элчиларни тайинлаган мамлакатлар билан дўстлик алоқалари ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг устувор йўналишларига тўхталди.

Ўзбекистон Республикаси минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда анъанавий равишда муҳим ўрин тутаётган Покистон Ислом Республикаси билан кўп қиррали муносабатларни ривожлантиришга катта аҳамият бераётгани таъкидланди.

Олий даражадаги мунтазам сиёсий мулоқотлар икки томонлама ҳамкорликни сезиларли фаоллаштиришга хизмат қилди. Шу билан бирга, ўзаро савдо-сотиқ ҳажмини ошириш, агросаноат, фармацевтика, кўнчилик ва бошқа тармоқларда кооперацияни кучайтириш учун улкан салоҳият мавжуд.

Швейцария Конфедерацияси Ўзбекистоннинг Европадаги ишончли ва узоқ муддатли шеригидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон — Швейцария муносабатлари сиёсат, иқтисодиёт, молия ва банк, маданият ва таълим каби турли соҳаларда муваффақиятли ривожланмоқда. Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги билан самарали шериклик йўлга қўйилган.

Швейцариянинг етакчи компаниялари билан кимё, тўқимачилик, фармацевтика, озиқ-овқат саноати, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳасида кооперация учун имкониятлар мавжудлиги алоҳида қайд этилди.

Латвия Республикаси билан фаол сиёсий мулоқот йўлга қўйилган, иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар изчил ривожланмоқда.

Ригада буюк аждодларимиз Мирзо Улуғбек ва Абу Али ибн Сино ҳайкаллари ўрнатилгани мамлакатимиз ва халқимизга юксак ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

Савдо, инвестиция ва инновациялар, транспорт ва логистика, энергетика, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва туризм соҳаларидаги дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари экани қайд этилди.

Ўзбекистон Исроил Давлати билан ўзаро ҳурмат ва манфаатларни ҳисобга олиш тамойиллари асосида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

Исроилнинг илғор технологиялари, тажрибаси, илмий ютуқларини жалб этиш асосида биотехнологиялар, энергия ва сув ресурсларини тежаш, тиббиёт ва фармацевтика, туризм каби йўналишларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш таклиф этилди. Таълим, маданият ва спорт соҳаларида мавжуд катта салоҳиятдан фойдаланиш муҳимлигига эътибор қаратилди.

Мамлакатимизнинг ишончли ва узоқ муддатли шериги бўлган Германия Федератив Республикаси билан барча соҳаларда фаол мулоқот йўлга қўйилган, яқин алоқалар ва тажриба алмашуви қўллаб-қувватланмоқда.

Асосий эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори технологик тармоқларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Германиянинг етакчи компаниялари билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли шериклик алоқаларини ривожлантиришга қаратилди.

Илм-фан ва таълим соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш, икки мамлакат ҳудудлари ўртасида алоқалар ўрнатиш ва ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди.

Словакия Республикаси Ўзбекистон учун Европадаги истиқболли ҳамкорлардан бири ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш билан бир қаторда савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида мавжуд салоҳиятни рўёбга чиқаришни таклиф этди. Бу ўринда, аввало, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, кимё ва озиқ-овқат саноатида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Президенти Хитой Халқ Республикаси билан дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамланиб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Икки давлат раҳбарларининг ўтган йили Пекин ва Остона шаҳарларида бўлиб ўтган учрашувлари ўзаро ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқиб, аниқ мазмун билан бойитди.

Давлатимиз раҳбари ҳамкорликнинг деярли барча соҳаларида, жумладан, савдо-иқтисодий, инвестиция, инновация, молиявий-техник, транспорт коммуникациялари ва бошқа йўналишлардаги шерикликни чуқурлаштириш учун кенг имкониятлар мавжудлигини алоҳида таъкидлади.

Транспорт-транзит йўлакларини ривожлантиришга доир минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш, шу жумладан, Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўл магистралини қуриш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Хитой билан фан, маданият, таълим ва туризм соҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга тайёрлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти сўзининг якунида хорижий элчиларга мамлакатимизнинг вазирлик, идора ва ташкилотлари билан фаол ишлаш, жойлардаги салоҳият ва имкониятлар, халқимизнинг бой тарихи ва маданияти билан яқиндан танишиш учун ҳудудларга тез-тез ташриф буюришни таклиф этди.

Турли масъулиятли лавозимлардаги фаолияти давомида тўпланган тажриба хорижий дипломатларга белгиланган мақсадларга самарали эришиш ҳамда Ўзбекистон билан икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш йўлида ўз зиммасига юклатилган муҳим миссияни муваффақиятли адо этишга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Ўз навбатида, янги тайинланган элчилар самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги кенг микёсли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга бор саъй-ҳаракатларини сафарбар қилишини қайд этдилар.

**ЎзА**

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига шарҳ

◂1

Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан ҳозирда узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш ва фаолиятини такомиллаштириш, тарбияланувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида «Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини эътироф этишимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар мобайнида мактабгача таълим тизимида фаолият олиб бораётган раҳбар ва педагог ходимларнинг, мактабгача таълим муассасасидаги таълим-тарбияга масъул ходимларнинг меҳнатини рағбатлантиришга етарли даражада эътибор қаратилмаган.

Масалан, 1993 йилга қадар мактабгача таълим муассасаларининг тарбиячиси ва умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчиси меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори бир хил бўлган бўлса, Ҳукуматнинг алоҳида қарорлари билан ҳозирга қадар умумтаълим мактаблари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари бир неча марта оширилгани ҳолда мактабгача таълим муассасалари ходимларининг иш ҳақи миқдорлари ўзгаришсиз қолдирилганлиги ҳисобига уларнинг ўртача иш ҳақи миқдори умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчисига нисбатан 60 фоизни ташкил этади, холос.

Бу эса, ўз навбатида, мактабгача таълим муассасалари педагог ходимлари истеъдоди, касб маҳорати ва иш фаолиятида шахсий ҳиссаси намоён бўлмаслигига ҳамда муассасанинг педагогик салоҳиятини пасайтиришга олиб келган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори айнан мактабгача таълим соҳасида юқорида қайд этилган хато ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида қабул қилинган. Мазкур қарор билан мактабгача таълим муассасалари айрим ходимларининг иш ҳақи тўловларини қуйидаги миқдорларда 2 та босқичда ошириш кўзда тутилган:

1. 2018 йил 1 мартдан — мудир, тарбиячи, услубчи, ўқитувчи, дефектолог, психолог, мусиқа раҳбари ва тарбиячи ёрдамчиси 30 фоизга;

2. 2018 йил 1 сентябрдан:

олий маълумотга эга бўлган тайёрлов гуруҳи (5 ёшдан 6-7 ёшгача) тарбиячиси, ўқитувчи, дефектолог, психолог 30 фоизга;

олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар педагогик маълумотга эга бўлган тарбиячи ёрдамчиси 20 фоизга;

мактабгача таълим муассасаси мудири 10 фоизга.

Бунинг натижасида давлат мактабгача таълим муассасаларида меҳнат қилаётган жами 93555 нафар ходим, шундан 4908 нафар мудир, 3924 нафар олий маълумотли тарбиячи, 39523 нафар ўрта махсус маълумотли тарбиячи, 673 нафар методист, 3765 нафар дефектолог, 1450 нафар психолог, 33259 нафар тарбиячи ёрдамчиси ва 7503 нафар мусиқа раҳбарининг иш ҳақлари сезиларли даражада оширилади.

Ушбу қарорда 2018 йил сентябрь ойидан бошлаб олий маълумотга эга бўлган тайёрлов гуруҳи (5 ёшдан 6-7 ёшгача) тарбиячиси меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкалари миқдори умумтаълим мактаблари бошланғич синфлари ўқитувчиларининг базавий тариф ставкалари миқдорига тенглаштирилиши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, қарор билан мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш мақсадида ҳамда қишлоқ жойлардаги аҳоли турмуш даражасини инобатга олиб, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод, Касби, Миришкор, Қамаши, Чироқчи, Нишон, Яккабоғ ва Ғузор туманларида, Бухоро вилоятининг Олот, Шофиркон, Қоракўл, Пешқу ва Ромитан туманларида, Сурхондарё вилоятининг Қизириқ, Музработ, Олтинсой, Бойсун, Қумқўрғон, Узун, Сариосиё туманларида жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларида 2023 йилнинг 1 январигача ота-оналар бадал тўлови миқдорини 50 фоизга камайтириш назарда тутилган.

Ҳукуматимиз томонидан мактабгача таълим тизимида меҳнат қилаётган ходимларнинг моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши ҳамда қишлоқ ҳудудларда боғчалар учун ота-оналар тўловининг кескин пасайтирилиши мактабгача ёшдаги болаларни боғчаларга қамраб олиш даражасини оширишга ҳамда мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Халқаро ҳамкорлик**

# Санкт-Петербургда ёшлар форуми

**Ўзбекистон касаба уюшмалари делегацияси Алоқа ходимлари касаба уюшмаси халқаро бирлашмаси таклифига биноан Санкт-Петербург шаҳрида ўтган Ёш алоқа ходимларининг халқаро касаба уюшмалари форумида иштирок этди.**

Форум касаба уюшмаларини ўз сафига ёшларни жалб этган ҳолда кенгайтириш, ижтимоий тармоқлар, замонавий коммуникация воситалари имкониятидан унумли фойдаланган ҳолда тармоқ касаба уюшмалари ҳамкорлигида ёш мутахассисларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини ошириш мақсадида ташкил этилгани билан кўпчиликнинг эътиборини тортди. Унда Россия, Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Беларус, Молдова ва Швеция давлатлари ҳамда халқаро SEKO ва UNI халқаро касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари, иш берувчилар ва фаол ёшлар қатнашди.

Форумда делегация раҳбари А.Ищанходжаев маъруза қилиб, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, касаба уюшма ташкилотлари томонидан ёшларга яратилаётган шароитлар, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, шунингдек, касаба уюшмаларининг давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик асосидаги ҳамкорлигига тўхталди, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси ёшлари томонидан ёш касаба уюшма аъзолари билан ишлаш, жамоа шартнома ва келишувлари орқали уларга берилаётган имтиёз ва кафолатлар, уларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя ҳамда устоз-шогирд тизимининг йўлга қўйилгани юзасидан тақдимот ўтказилди. Иштирокчилар мамлакатимизда ёшлар сиёсати борасидаги тизимли ишларни эътироф этишди.

Сафар давомида делегация А.С.Попов номидаги Марказий алоқа музейи билан танишдилар.

Форум доирасида Алоқа ходимлари касаба уюшмаси халқаро бирлашмаси кенгашининг кенгайтирилган мажлиси ҳам бўлиб ўтди. Унда ташкилот фаолиятига оид долзарб масалалар муҳокама қилинди. Тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ўзаро ҳамкорлик бўйича Россия алоқа ходимлари касаба уюшмаси билан меморандум, Белорус алоқа ходимлари касаба уюшмаси, Тожикистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси ҳамда Қозоғистон ахборот, алоқа ва телекоммуникация соҳаси ходимлари касаба уюшмаси жамоат бирлашмаси билан келишувлар имзоланди. Шунингдек, UNI халқаро касаба уюшмалари ташкилоти вакиллари Корнелия Бросс ва Алекс Хогбек билан музокаралар олиб борилиб, келгусида ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича келишиб олинди.

Делегациянинг профессор Бонч-Бруевич номидаги Санкт-Петербург давлат телекоммуникация университетида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар билан учрашуви ҳам уюштирилди. Унда талабалар яшаш ва билим олишда университет ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганини айтиб ўтишди. Сафар давомида фаолиятда қўллаш учун турдош соҳалар билан ҳам маълумотлар алмашилди.

**Дўстмурод ТЎЙЧИЕВ,**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси.
**Мирвоҳид ҲАЙДАРОВ,**
Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

**Табиат ва биз**

# Экологик уйғунлик

**Ўзбек халқи қадимдан тозалик ва орасталикни хуш кўради. Келинларимизнинг ҳам тонгда кўчаларни чиннидай қилиб супуриб қўйиши, оқаётган сувга тупуриш гуноҳ экани ҳақида болаликдан қулоғимизга қуйилган ибратли насиҳатлар, бир парча бўш жой бўлса, одамларимизнинг баҳор палласида гул ва кўчатлар экиши ҳаммамизнинг қон-қонимизга сингиб кетган. Табиат билан инсоннинг узвий боғлиқлиги, тарозининг бир палласида табиат турса, иккинчисида инсоният тақдири туриши айни ҳақиқат.**

Куни кеча Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Миллий матбуот марказида ташкил этилган экологик хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, маиший чиқиндиларни бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, экологик ҳолатни яхшилаш мавзусидаги анжуманда шу ҳақда сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги қарори билан 2017 — 2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни тубдан яхшилаш юзасидан комплекс дастур қабул қилиниб, тизимда 13 та «Тоза ҳудуд» давлат унитар корхонаси ва уларнинг 174 та туман (шаҳар) филиаллари ташкил этилди.

— «Тоза ҳудуд» давлат унитар корхоналарида «Биллинг» тизими ишга туширилиб, техникалар ҳаракатини масофадан «онлайн» режимда кузатиш мақсадида GPS тизими жорий этилди, — дейди Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Баҳром Қўчқоров. — Шу кунгача 305 та чиқинди тўплаш майдончаси қурилиб, 2 мингтадан зиёд контейнер билан жиҳозланди. 295 та полигон тўлиқ хатловдан ўтказилиб, уларнинг кадастр ҳужжатлари тузилди, 97 та чиқинди полигони тартибга келтирилди. Бундан ташқари, қўмита қошида чиқиндилар билан боғлиқ масалаларни назорат қилиш инспекцияси ташкил этилди. Экологик-санитария норма ва қоидаларига зид равишда фаолият юритаётгани сабабли 3 та чиқинди полигонининг фаолияти тўхтатилди. Яқинда яна ўнта полигон фаолиятини тўхтатиш режалаштирилмоқда.

Қўмита томонидан йирик шаҳарларда қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб чиқариш бўйича фаолият кўрсатаётган 108 та ихтисослаштирилган хусусий корхоналар (шундан 44 таси Тошкент шаҳрида) фаолияти самарадорлигини ошириш борасида ҳам бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасида 9 та йирик шаҳарда маиший чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш кластерлари ташкил этилди. Ҳозирда республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам кластерларни ташкил этиш бўйича тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш лойиҳалари юзасидан музокаралар ўтказилмоқда. Шунингдек, Жанубий кореялик ҳамкорлар билан қаттиқ маиший чиқиндиларни утилизация қилиш ва қайта ишлаш, Оҳангарон туманида жойлашган полигонда чиқиндихона газини қайта ишлаб, ундан электр ва иссиқлик энергиясини олиш технологияларини жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Франция ривожланиш агентлиги, Осиё тараққиёт банки каби халқаро молия институтларининг 113,4 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар ҳам шулар сирасидан. Соҳада давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокини кенгайтиришга эътибор қаратилмоқда.

Атроф-муҳитни ифлослантириш ҳолатларининг олдини олиш, бу борада идораларо ҳамкорликни кучайтириш мақсадида жорий йил охирига қадар мамлакатдаги экологик ва атроф-муҳит ҳолатини баҳолашнинг аниқ кўрсаткичларига асосланган, ҳимояланган геоинформацион маълумотлар базаси яратилади.

Бундан ташқари, қўмита томонидан халқаро тажриба асосида мамлакатдаги реал экологик ҳолатни аниқ баҳолаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Миллий концепцияси, Ўзбекистонда маиший чиқиндиларни бошқариш соҳасида давлат сиёсати ва устувор йўналишларини белгилаб берувчи 10 йилга мўлжалланган Миллий стратегия ҳамда «Биохилма-хиллик тўғрисида»ги БМТ Конвенцияси талабларини бажариш мақсадида Қўмита томонидан Биохилма-хилликни муҳофаза қилиш Миллий стратегияси ишлаб чиқилмоқда.

**Нозима УМАРОВА,**
«Ishonch» мухбири

Муаммо билан юзма-юз

# КЕЧИКАЁТГАН ОДАМЛАР

Боёвут шаҳарчасида яшайман. Иш жойим Гулистон шаҳрида бўлганлиги учун ҳар куни барвақт йўлга чиқишга мажбурман. Устига-устак, машиналар одам тўлмагунча жойидан жилмайди денг. Шу тариқа соатлаб вақт йўқотамиз. Шунданмикин, бизнинг ҳудуддан қатнаб ишлайдиганларни баъзи ишхоналарда «кечикадиган одамлар» деб эркалаб ҳам қўйишади. Тўғри, автобусга улгурмаганлар учун — нархлар бироз қиммат бўлса-да, хусусий киракашлар хизматидан фойдаланиш имкони бор. Аммо солиқ инспекцияси, ИИБ ёки бошқа идоралар томонидан рейд ўтказилган кунлари улар ҳам «анқонинг уруғи»га айланади. Топилгани ҳам айланма йўллардан фойдаланиб, масофани узоқлаштиради. Носоз йўлда йўловчиларни хавфга қўяди. Бундай кунларда йўлкира ҳам кўтарилиб кетади. Барча муаммолар ечим топаётган даврда бу масала ҳам тезда ижобий натижасини топишидан умидвормиз.

**Нилуфар ШЕРБЎТАЕВА,**
Гулистон шаҳридаги 12- умумтаълим мактаби инглиз тили ўқитувчиси

### ЙЎЛОВЧИМАС, «ҚАРИНДОШ»...

Мазкур мурожаатни ўрганиш учун Боёвут шаҳарчаси автобекатида бўлдик. Шаҳарча вилоят марказидан 35 км масофа узоқликда жойлашган. Гулистонга бормоқчи бўлганларнинг аксарияти вақтдан ютиш учун такси хизматидан фойдаланади. Фаолияти ноқонуний бўлган «киракашлар» 7000 минг сўм эвазига йўловчиларни манзилга етказади. Тушликкача бекатда сарғайишни истамаган одам борки, бу таклифга рози бўлмай иложи йўк. Йўл давомида эса ҳайдовчи текширувлардан омон ўтиб олиш учун йўловчилар ўзларини унинг қариндошлари деб таништиришга мажбурлигини айтмайсизми?!

— Яқинда шунга ўхшаш ҳолатга гувоҳ бўлдим. Ҳайдовчи тажрибасиз экан, шекилли, нархни «кўтармади». Йўловчиларни ўзаро «таништириб» ҳам қўймади, — дейди Гулистон давлат университети талабаси Рахима Бобоева. — Ҳуллас, мутасадди идора ходимлари машинани тўхтатиб, ҳужжатларни текшириб бўлгач, йўловчиларни сўроққа тутди. Ҳаммасини борича айтдим. Бошқалар иккиланиб кира нархини турлича (арзонроқ) айтишди. Аммо бир киши: «Мен текинга кетаяпман, отасини танийман, қўшним бўлади», дея бурро-бурро жавоб берди. Шу куни бошқа автоулов билан шаҳарга амаллаб етиб олдим.

Қолаверса, кун адоғида Боёвутга қайтиш учун ҳам минг саргузаштни бошдан кечирасиз. Енгил машинани тополмайсиз, 17:00 дан кейин автобус қатнови тўхтайди. Ҳамма «маршрутка»га улгуриш учун югуради...

**КУН АДОҒИДА БОЁВУТГА ҚАЙТИШ УЧУН ҲАМ МИНГ САРГУЗАШТНИ БОШДАН КЕЧИРАСИЗ. ЕНГИЛ МАШИНАНИ ТОПОЛМАЙСИЗ, 17 : 00 ДАН КЕЙИН АВТОБУС ҚАТНОВИ ТЎХТАЙДИ.**

«Лицензия» деган сўзнинг чиққанига ҳам анча бўлди. Аммо тўлиқ назорат қачон ўрнатилишини, фикримча, ҳеч ким билмайди.

### ҲАЙДОВЧИ МУНОСАБАТИ

«Гулистон — Тошкент» йўналиши бўйича ҳаракатланувчи ҳайдовчи билан суҳбатлашганимда, тирикчилиги киракашлик орқали ўтаётгани, рейд кунлари йўлга чиқмагани учун машина ижара пулини топиб беришга қийналаётганини айтди. Ишини қонун талаби асосида ташкил қилолмаётганидан куйинди. Сабаби, лицензия олувчи шахсий машинасини ўз маблағи ҳисобидан сариқ рангга бўяши, махсус рақам олиши керак.

— Ахир шахсий автомобил бўлса, тўй-ҳашамларда, оилавий тадбирларда ҳам таксист сифатида иштирок этишимизга тўғри келади, — дейди у.

### ҚОНУН НИМА ДЕЙДИ?

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Сирдарё вилояти бошкармасининг масъул ходими Муроджон Шодиевдан ушбу масалага изоҳ сўраганимизда ҳар куни ҳудудларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ходисаларининг олдини олиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартдаги 303 — сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 июндаги 138-сонли ва 2011 йил 18 майдаги 139-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ДСБ ва ИИБ ЙХХБ ходимлари иштирокида қўшма рейдлар ўтказилаётгани, шунингдек, ҳайдовчилар билан суҳбатлар асноси уларнинг ҳуқуқий билими оширилаётганини маълум қилди. Уларга таркатилаётган йўриқномалар билан таништирди. Йўриқномаларда ҳайдовчи ўз фаолиятини қонуний ташкил этишига доир кўрсатма ва билимлар ёритилган. Маъмурий жавобгарлик кодексидаги ташувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензия олиб шуғулланиш, таксиларни ягона таниш белгилари билан жиҳозлаш, талаблар бузилганда кўриладиган чоралар баён қилинган.

— Бу борада ишлар кенг кўламда ташкил этилади, — дейди Муроджон Шодиев. — Жараён тегишлича кечиши учун зарур таклифлар киритилган. Соҳавий қонунчиликда такомиллашув давом этмоқда.

### ХУЛОСА ЎРНИДА

*Аммо... гапнинг очиғи, мутасаддиларнинг таъкидлари, амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларга қарамай, муаммо ҳамон муаммолигича қолмоқда. Йўловчиларнинг манзилга кечикиши барҳам топмаяпти. Ўйлаб қолсан киши: туман марказида аҳвол шундай бўлса, чекка ҳудудларда қандай экан? Шу кунгача йўловчиларнинг тахминий сони аниқланиб, қонунлар доирасида мос транспорт хизмати ташкил этилмаганини қандай изоҳлаш мумкин?*

*Биз назоратни суст дейиш фикридан йироқмиз. Ҳар кунги рейдларда протоколга фамилиялар тушаяпти, жарималар ундирилаяпти. Ҳайдовчиларнинг ҳуқуқий билими, қонунлар борасидаги тушунчалари ҳам жойида. Ўйлашимизча, лицензиясиз таксилар фаолиятига барҳам берилиши, йўловчиларнинг оворагарчилигига чек қўйиш учун қонуний транспорт хизмати рақобатбардош бўла олиши лозим.*

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
«Ishonch» мухбири

Маънавият

# «КУНГ-ФУ ПАНДА» менинг ўғлим

Бугунги кунда зангори экранларда намойиш этилаётган, келажакни нишонга олган, ёт ғояларга «тўйинтирилган» медиамаҳсулотлар аста-секин ўз таъсирини кўрсата бошлади. Болалар тилида жажжиларга умуман хос бўлмаган ноодатий ва нотабиий сўзлар пайдо бўла бошлади. Ажабтовур хатти-ҳаракатлари ҳеч кимни ҳайратлантирмай қўйди. Ўзини қайсидир мультфильм қаҳрамонига ўхшатган болакайлар ҳақида ҳатто ота-оналарнинг ўзи фахр билан гапиради. Одат тусига кираётган «Менинг қизим Маша», «Ўғлим Кунг-фу Пандага ўхшайди» каби гапларни сиз ҳам эшитгандирсиз.

Аслини олганда, мультфильм томоша қилишнинг ҳеч қандай салбий томони йўқ. Лекин аксариятида ғоявий таъсир воситалари, боланинг руҳиятини шикастловчи, тўсатдан пайдо бўлувчи тасвир ва графикалар, овоз эффектларидан фойдаланиш ҳолатлари, тарбияни бузишга хизмат қилувчи иккинчи даражали элементлар кўзга ташланадики, буларнинг нақадар дахшатли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги олимлар томонидан аллақачон исботланган.

Кўпчилигимиз қандайдир сариқ мавжудотлар ҳақидаги «Минионлар» деган мультфильмни кўрганмиз. Унда ножинслилик тарғиботи (ҳозир аксарият ғарб кинематографияси маҳсулотларида бу одатий ҳолатга айлангани сир эмас), носоғлом одатларга ундаш ҳолатлари бор. Масалан, бир минион аёллар кийимини кияди, бошига парик тақиб олади. Шунингдек, улардан бирортаси фалокат туфайли ўлса, бунга бошқалари ё кулгили, ё умуман аҳамиятсиз воқеадек қарайди. Мультфильм форматининг сифатлилиги, сюжети қизиқлиги билан томошабинни ўзига тортади. Натижада эса турли ғояларни сингдирган, бизга арзимасдек кўринган нуқсонлар онг остида таъсир кўрсатишда давом этади.

«Маша ва маймоқ» мультфильмининг мазмунига кўра, асосий қаҳрамон Маша истаганча одобсизлик ва бузғунчилик қилувчи, шунга қарамай сира жазоланмайдиган образ. Ниҳоятда қайсар, фақат ўзини ўйлайдиган ҳудбин қизалоқнинг қилган ишлари доим айиққа муаммо туғдиради. Ўрмондаги бошқа ҳайвонлар Машанинг овозини эшитиши билан ўзини панага олади. Чунки қизалоқ, албатта бир кўнгилсизликни «ташкиллаштиради». Афсуски, ундан ўрнак олаётган ва уни энг севимли мультқаҳрамони деб биладиган жажжи қизчалар ҳозир минглаб топилади.

Болалигимизда телевизорда «Покахонтас» деган мультфильм намойиш этиларди. Унда бир ҳинду қизнинг инсоний фазилатлари, ҳаммага ёрдам бериши, қабилаларни бирлашишга ундагани ҳақида ҳикоя қилинар, деярли ҳамма қисмида у бармоқларини бир-бирига кийиштирганча «Буюк рух»дан ёрдам сўрарди. Бу қайсидир диннинг одатларига жуда ўхшашини улғайгач, билиб олдим. Албатта, гап бу ҳақида эмас.

Аудиовизуал ахборотлар, айниқса, интернет ва телевидение орқали етказилган маълумотлар одамнинг диққатини тортади. Технологиялар ривожланиб бораётган даврда кино, мультфильм, умуман, компьютер графикаси орқали яратиладиган медиамаҳсулотларни ишлаб чиқариш бир замонлардагидек мураккаб эмас. Маълум бир ғояни тарғиб этувчи, кимларнингдир манфаатига хизмат қилувчи медиа «восита»ни тарқатиш эса ундан ҳам осон. Бу жараённи мутлақ чеклашнинг иложи йўқ. Фақатгина келаётган ахборот оқимини фильтрлаш, миллий медиамаҳсулотни ишлаб чиқариш орқали бироз ҳимояланиш мумкин. Тўғри, мультипликация соҳасида ўзгаришлар қилинмоқда. Масалан, 2017 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбеккино» Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан агентлик ҳузурида «Мультипликацион фильмлар студияси» Давлат унитар корхонасини ташкил этиш кўзда тутилган. Ҳозирга қадар мамлакатимизда бир қанча сифатли мультфильмлар тайёрланган. Аммо, тан олиш керак, ишлаб чиқариш ва намойиш этиш борасидаги ишлар ҳали етарли даражада эмас. Мавжуд мультфильмларнинг аксарияти мазмун жиҳатдан қизиқ бўлса ҳам, аксарияти сифат жиҳатидан, яъни графикасининг соддалиги, мураккаб эффектлардан фойдаланилмаслиги сабаб болаларни жуда тез зериктириб қўяди.

**Ҳозирга қадар мамлакатимизда бир қанча сифатли мультфильмлар тайёрланган. Аммо, тан олиш керак, ишлаб чиқариш ва намойиш этиш борасидаги ишлар ҳали етарли даражада эмас. Мавжуд мультфильмларнинг аксарияти мазмун жиҳатдан қизиқ бўлса ҳам, аксарияти сифат жиҳатидан, яъни графикасининг соддалиги, мураккаб эффектлардан фойдаланилмаслиги сабаб болаларни жуда тез зериктириб қўяди.**

Соҳа мутахассисларига ақл ўргатиш ниятим йўғ-у, лекин бугунги шароитда сусткашликка йўл қўймасдан, томошабин учун янада қизикрок, мазмун ва сифат жиҳатидан чет эл медиамаҳсулотларидан қолишмайдиган мультфильмлар ишлаб чиқарилса, аудиторияни жалб этиш, ўсиб келаётган авлодни зарарли ғояларидан бироз бўлса-да, ҳимоялаш имконияти пайдо бўлади. Ана шунда ҳеч қандай фильтрга ҳам, боланинг ёнида ўтириб вокеани таҳлил қилиб беришга ҳам ҳожат қолмайди. Қадимги Шарқ халқлари жуда бой маданий меросга эга. Бизгача етиб келган оғзаки ва ёзма манбаларда, жуда кўп ҳикоя ва ривоятлар, эртаг-у афсоналар мужассам. Улардан фойдаланиб болалар учун қанчадан-қанча ибратли, қизиқарли мультфильмлар тайёрлаш мумкин.

**Аъзамжон АБУЛФАЙЗОВ,**
ЎзДЖТУ талабаси

Ҳикмат

*Ҳамма нарсада чек-чегара деган нарса борки, ундан нарёғига ўтиш хатарлидир. Зотан, бир марта чегарадан чиқдингми, кейин орқага қайтиш керак бўлади.*

**Ф.М.Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо» асаридан**

Реклама ва эълонлар

**«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ 2018 йил январ, феврал ойларида ўтказилган очиқ аукцион савдолари натижаларини маълум қилади!**

1.Тошкент тумани, «Қўктерак» қишлоғи, «Қўктерак ҳосилот файз» агрофирмаси «ZILOLA NUR AGRO FAYZ» ф/х дан захирага олинган жами 3,80 гектар, шундан 3,7 гектар ер майдонида жойлашган «Узумзор», бошланғич баҳоси — 3 320 000 сўм. Сотилиш баҳоси — 4 400 000 сўм.

2.Тошкент тумани, «Қўктерак» қишлоғи, «Қўктерак ҳосилот файз» агрофирмаси «NODIRA BEGIM AGRO ISHONCH» ф/х дан захирага олинган жами 2,70 гектар, шундан 2,60 гектар ер майдонида жойлашган «Узумзор», бошланғич баҳоси — 4 016 180 сўм. Сотилиш баҳоси — 4 600 000 сўм.

3.Тошкент тумани, «Қўктерак» қишлоғи, «Қўктерак ҳосилот файз» агрофирмаси «TELEGRAF AXBOROT TAHLILY PORTALI» МЧЖдан захирага олинган жами 6,1 гектар, шундан 5,8 гектар ер майдонида жойлашган «Узумзор», бошланғич баҳоси — 8 659 900 сўм. Сотилиш баҳоси — 8 961 000 сўм.

4.Қибрай тумани, «Қибрай ОАЗИС» СИУ «QIBRAY-MARIFBAYEV XUSAN» ф/х балансидаги жами 3,86 га, шундан 3,7 га ер майдонида жойлашган 9 ёшли 825 туп гилос кўчатларидан иборат «Боғзор» қўйилмоқда, бошланғич баҳоси — 5 780 902 сўм. Сотилиш баҳоси — 7 540 000 сўм.

5. Қибрай тумани, «Қибрай ОАЗИС» СИУ «QIBRAY-BOG'ISHAMOL» ф/х балансидаги 18,18 га ер майдонида жойлашган «Боғзор» ва темир устунларга бириктирилган сеткадан иборат мулкий мажмуа, бошланғич баҳоси — 347 420 000 сўм. Сотилиш баҳоси — 357 500 000 сўм.

6. Зангиота тумани, М.Улуғбек массиви «KLIM AGRO BIZNES » ф/х дан захирага олинган 86-контурда қисман жойлашган жами 4,10 га, шундан 4,0 га ер майдонида жойлашган «Боғзор», бошланғич баҳоси — 12 172 336 сўм. Сотилиш баҳоси — 14 000 000 сўм.

7. Зангиота тумани, М.Улуғбек массиви «ALPOMISH OMAD FAYZ» ф/хдан захирага олинган 80-контурда қисман жойлашган жами 2,86 га, шундан 2,72 га ер майдонида жойлашган «Узумзор», бошланғич баҳоси — 8 490 947 сўм. Сотилиш баҳоси — 9 775 000 сўм.

8. Зангиота тумани, М.Улуғбек массиви «XASANOVA MADINABONU AGRO» ф/х дан захирага олинган 86к,87-контурларда жойлашган жами 4,77 га, шундан 3,54 га ер майдонида жойлашган «Боғзор», бошланғич баҳоси — 14 161 474 сўм. Сотилиш баҳоси — 16 100 000 сўм.

9. Зангиота тумани, А.Икромов массиви «BAXTIYOR BEXZOD AGRO EXPORT» ф/х дан захирага олинган жами 5,86 га, шундан 1,60 га ер майдонида жойлашган «Боғзор» ва 1,09 га ер майдонида жойлашган «Узумзор» бошланғич баҳоси — 3 491 439 сўм. Сотилиш баҳоси — 4 550 000 сўм.

10. Зангиота тумани, А.Икромов массиви «SHOIRA MEHNAT AGRO» ф/х дан захирага олинган жами 6,17 га, шундан 2,02 га ер майдонида жойлашган «Боғзор», бошланғич баҳоси — 3 038 418 сўм. Сотилиш баҳоси — 3 900 000 сўм.

**Хизматлар лицензияланган**

**Аукцион савдолари хабарномаси.**
**«BEST LINE REALTOR» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

2018 йил 16 март куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 52-уй манзилида ўтказиладиган аукцион савдоларга қуйидаги қурилиши тугалланмаган Маъмурий бино такроран қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар хўжалик судининг 11.11.2016 йилдаги 10-1621/23750-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб топилган «OBEN SERVIS» МЧЖ кредиторларининг 26.02.2018 йилдаги 8-сонли йиғилиш баённомасига ва тугатиш бошқарувчисининг 27.02.2018 йилдаги 63-ЖС-сонли буюртмасига асосан жамият ҳисобидаги Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Дўстлик ҚФЙ, «Шодмалик» МФЙ манзилида жойлашган умумий ер майдони 1000,0 кв.метр, қурилиш ости ер майдони 421,47 кв.метр, фойдаланиш майдони 538,43 кв.метрдан иборат қурилиши тугалланмаган Маъмурий бино.

Бошланғич баҳоси — 151 269 000 (бир юз эллик бир миллион икки юз олтмиш тўққиз минг) сўм.

**Талабгорлар диққатига!**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Савдо ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик, шанба ва якшанба дам олиш куни).

Буюртманомаларни қабул қилиш охирги муддати: 2018 йил 15 март куни 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кун муддатда олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридаги закалат пуллари тўлангандан сўнг савдода иштирок этиш учун буюртманома топширишлари лозим.

- жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, буюртмани ваколатли вакил топширганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ёки қонуний вакиллигини тасдиқловчи ҳужжат, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши сўралади.

- юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, буюртмани ваколатли вакил топширганда уни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши сўралади.

Тақдим қилинган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси билан (жисмоний шахслар учун) ҳамда талабгорнинг имзоси ва муҳри билан (юридик шахслар учун) тасдиқланиши шарт.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «BEST LINE REALTOR» масъулияти чекланган жамиятининг х/р: 20208000300692478001, АТБ «InFinBANK» банк Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани филиали МФО: 01141, СТИР: 304421042, ОКОНХ: 83100.

Буюртманомалар қабул қилиш, қўшимча маълумотлар билан танишиш ва савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 52-уй. Мурожаат учун телефон: (+99898) 115-71-97. E-mail: best-line-realtor@mail.ru. Веб-сайт: www.1blr.uz

**Лицензия. RR-0274**

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Тузель Анҳор 2-кўчаси 8-уйда «Давлат хизматлари маркази» томонидан (16.05.2017 йил реестр №517831) рўйхатга олинган «YAFNI TEX» МЧЖ (СТИР: 304891868) фаолияти корхона муассисларининг 1-сонли қарорига (ПҚ 630-сонли қарор 7-банд) асосан тугатилади. **Даъволар 2 ой мобайнида Қибрай тумани, А.Темур 2-тор кўча, 7-хонадон манзилида қабул қилинади.**

1 март — Зулфияхоним таваллуд топган кун

# ҲАҚИҚАТ ХАЁЛДАН БОШЛАНАР

**Устозимиз Зулфияхонимнинг турли миллат, касб ва ёшдаги инсонлар орасида дўст-у қадрдонлари кўп эди. Одатда, ёши улуғ инсонлар билан ёшларнинг орасида эътирофлардан кўра кўпроқ инкорлар бўлади. Гап қовушиши ҳам осон кечавермайди. Лекин Зулфияхоним фақат ёш истеъдодлар учун ўзини жавобгар деб ҳисоблагани учунгина эмас, умуман, барча ёшларнинг фикрини эшитишни хоҳлагани, уларнинг жўяли фикрини қадрлагани учун ёшлар билан суҳбатлашишни яхши кўрарди.**




«Саодат» журналига узоқ-яқиндан келган — Дилбар Ҳамзахўжаева, Хосият Бобомуродова, Момохол Элмуродова, Дилбар Ҳайдарова каби ўша пайтнинг қалами ўткир ёшлари билан дилдан гаплашарди. Уларнинг қўлёзмаларига бир-иккита қалам теккизиш баробарида қизларга адабиёт, шеъриятдан сабоқ берар, бошқа мавзудаги суҳбатлари ҳам ибратларга тўла бўларди. Лекин ҳеч қачон ўз фикрини мажбуран тиқиштирмасди. «Саодат» журналидан нафақага чиқиб кетганидан сўнг ҳам уйига борганимизда:

«Ёшлар нима ёзяпти? Яхши шеърий турқумлар, яхши китоблар чоп этилса, хабардор бўлиб турай», дер эди. Кайфиятида тушкунлик («Ўзбеклар иши» авжга чиққан йилларда бу «ур-сур»лар шахсан ўзига таъсир қилмаган. Аммо кўнгли қийналгани учун аксарият ҳолларда аввалгидек бардам, тетик кўринмасди) бўлса-да, шеърдан, адабиётдан гап кетса, бирданига ўзгарар, яхши шеърлар эшитса, кўзлари чарақлаб, яшнаб кетарди. Бундай лаҳзаларда мен кўпроқ «Келажак», «Оҳ ижод», «О, эртам, энг гўзал афсонам» каби шеърларини ўқиб берардим.

Шоира ўзининг залворли, жарангдор сатрларига жўр бўлиб ўтираркан, наздимда, бутун вужуди билан шу сўз, шу оҳанглар қанотида бугунги шоир, инсон, аёл сифатидаги бурчини ўтаб, эртага ўтиб бораётгандек туюларди. Ёшларни қузатиши, севиши, улар билан дилкаш сухбатдош бўлиши, имконияти борича уларни қўллаб-қувватлаганининг ҳам сабабларидан бири шу деб ўйлайман. Зулфияхоним шеърияти, Ватан ва халқ олдидаги улкан хизмати, ибрати билан эртада ҳам яшаш имкониятига ишонган ва шунга интилган. Бундай ишонч, интилиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Аксарият кишилар бугуни билан яшайди. Қулоч ва қаричини ҳам шунга қараб чамалайди. «Ўлдинг, ўчдинг, йўқ бўлдинг» қабилида яшайди, меҳнат қилади. Не ажабки, шоиранинг ишонч, интилиши саробга айланмади, балки ҳақиқат бўлиб чиқди. 1999 йилда адабиёт, санъат маданият, таълим, фан соҳасида алоҳида ютуқларга эришган истеъдодли қизлар учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Кейинчалик вазият тақозоси билан мазкур йўналишларга спорт ҳам қўшилди. Ҳозиргача 300 нафарга яқин истеъдодли қизлар юксак мукофотга сазовор бўлди. Бу йилдан бошлаб давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳар бир вилоятдан бир нафар эмас, икки нафар қизга бу мукофот берилади. Улар орасида Ўзбекистон давлат консерваториясининг доценти Ойдин Абдуллаева, таниқли шоира Гулжамол Асқарова, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи фаоли, истеъдодли шоира Меҳриноз Аббосова каби қизларимизни кўрганимда ён-атрофимдан Зулфияхонимнинг:

*Келажак!*
*Қўлларим етмаса — етмасин,*
*Қўйларим битмаса,*
*ҳеч қачон битмасин,*
*Келарлар қўли-ла битилур.*
*Мен чиққан чўққидан*
*парвозга чиққанлар,*
*Сендан ҳам суръатли,*
*Биздан ҳам журъатли.*
*Силсиланг ошганлар етажак,*

деган овози келаётгандек бўлади. Ҳар йили 1 март — Зулфияхонимнинг таваллуд кунида Зулфияхоним ҳайкали пойига дўппи кийган ўсмир қизлар даста-даста гуллар қўйишади. Ҳайкал гулзорга, шоира ҳайкали эса бир кучоқ гулга айланади. «Ахир, бир кўринишдан иккинчи кўринишга ўтиб туриш ҳаётнинг қонуниятларидан биридир. Шоира ўзи севган, ўзи кўнглига жуда яқин олган ёшлар тақдим этган гуллар бағрида гулзорнинг бир қисмига айланди», деган хаёл келади одам фикратига. Устоз билан боғлиқ кечинмаларимни давом эттирсам, «Ҳақиқат хаёлдан бошланади», деган фикрга жуда-жуда ишонгим келади. Маълумки, шоира автоҳалокат туфайли хаётдан эрта кетган Ҳамид Олимжондан 29 ёшида бева қолди. Лекин Ҳамид Олимжонсиз яшаган эллик йилдан зиёд умрининг бирор дақиқасини шоир хаёлисиз ўтказмаган бўлса керак.

**Зулфияхоним шеърияти, Ватан ва халқ олдидаги улкан хизмати, ибрати билан эртада ҳам яшаш имкониятига ишонган ва шунга интилган. Бундай ишонч, интилиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Аксарият кишилар бугуни билан яшайди. Қулоч ва қаричини ҳам шунга қараб чамалайди. «Ўлдинг, ўчдинг, йўқ бўлдинг» қабилида яшайди, меҳнат қилади. Не ажабки, шоиранинг ишонч, интилиши саробга айланмади, балки ҳақиқат бўлиб чиқди.**

— Вақт етганда Композиторлар кўчасидаги уйимизда Ҳамид Олимжон билан икковимизнинг музейимиз ташкил этилса...

— Ҳар гал Ҳамид аканинг қабрига гуллар кўтариб борганимда ёлғизга ўхшайди... Қачондир Чиғатойдаги сўнгги масканимиз ёнма-ён бўлса...

Устоз жуда некбин эди, бунақа гапларни биз билан деярли гапиришмасди. Фақат қачондир қайси бир воқеа муносабати билан бехос айтиб юборса ҳам дарров бошқа мавзуга ўтарди...

Лекин биз — уларнинг атрофида юрган қизлар устозимизнинг фақат ўзи яшаётган даврда эмас, кейинги абадий ҳаётда ҳам биргалик орзулари борлигини сезар эдик.

2017 йилнинг ноябрь ойида шоиранинг орзуси рўёбга чиқди. Жиззах шаҳридаги гўзал масканлардан бирида Зулфияхоним ва Ҳамид Олимжоннинг шоирона, латиф бир қиёфадаги ҳайкали яратилди. Оппоқ, хаёл кўринишидаги Ҳамид Олимжон ва ҳижроннинг занг рангли қўйлагини ечмаган Зулфияхонимнинг овози яна қулоқларимиз остида жаранглай бошлади:

*...Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,*
*Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам...*

Худди шу ҳайкал ўрнатилган масканда Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним номидаги адабиётга ихтисослашган мактаб очилган бўлиб, унда бу йил танлов асосида қабул қилинган 250 нафар ўғил-қиз аллақачон сабоқларни бошлаб юборишди. Биз уларнинг дарсларига кирдик, шеърлар эшитдик. Дарсда улгурмаган ўқувчиларнинг шеърларини фойеларда тингладик.

Зулфияхоним ўз орзуида нақадар ҳақ экани ўз исботини топди. Тақдир берган синовларга сабр қилиб, шахсий ташвишлардан юксакка кўтарилиб, яшаётган кунидан ҳам гўзалроқ келажак орзусида фидойилик билан яшаган, яшаётган инсонларнинг умри давом этаверар экан. Гарчи жисман орамизда бўлмаса-да, Зулфияхоним шу номдаги Давлат мукофотига интилган қизларни тарбияламоқда. Улар мукофотга талабгор ўлароқ ўқиб-ўрганмоқда, камол топмоқда. Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги адабиётга ихтисослашган мактаб ўқувчилари шу ёруғ йўлларнинг ёш йўловчилари...

...Ҳар йил баҳорнинг илк куни гулдасталар кўтариб опанинг уйига қутлагани борардик. Бугунги баҳорларда уни бутун Ўзбекистон, ёшлар, Зулфия издошлари ёд этмоқда. Бундай шоираси, бундай ибрати бор юрт бахтли юртдир.

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА**
*журналист*

2017 йилнинг ноябрь ойида шоиранинг орзуси рўёбга чиқди. Жиззах шаҳридаги гўзал масканлардан бирида Зулфияхоним ва Ҳамид Олимжоннинг шоирона, латиф бир қиёфадаги ҳайкали яратилди. Оппоқ, хаёл кўринишидаги Ҳамид Олимжон ва ҳижроннинг занг рангли кўйлагини ечмаган Зулфияхонимнинг овози яна қулоқларимиз остида жаранглай бошлади:

*...Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,*
*Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам...*

Мушоҳада

## Дастурхон очиқ қолди

**Ҳамма ўрнидан қўзғалди. Меҳмонлар меҳмондорчиликни давом эттириш учун қўшниникига чиқишди. Хонада очиқ дастурхон қолди. Менинг кўнглимда иштибоҳ, ранж...**

Нега?

«Уйинг меҳмонга тўлсин, дастурхонинг доимо очиқ бўлсин», дейишади-ку?! Ҳа, очиқ бўлсин, дейишади, очиқ қолсин, дейишмайди. Кейин бу очиқлик меҳмон келишига тааллуқли, кетишига эмас.

Гап унинг очиқ қолишида.

Хуллас, дастурхон очиқ қолди. Ликопчаларда гўшт бўлаклари, ичилмай қолган чой тўла пиёла, сочилиб ётган нон бурдалари...

Ҳозиргина очиқ қолган бу дастурхон атрофидаги ўрта ёшлиларни қўйинг; мўйсафид отахонга нима бўлди? Нега у киши даврадошларидан фотиҳадан сўнг нон бурдаларини тўплаб, дастурхон йиғиштирилишини сўрамади.

Ахир, одатимизга кўра таом ейилгач, фотиҳа қилиниб, меҳмонларга қўл ювдириларди. Бу орада дастурхонни ўраб ёки четларини ҳимариб қўйишарди. Дастурхон йиғиштирилгандан кейингина меҳмон-у мезбонлар кўзғалар эди-ку?!

Ҳозир эса на таомдан олдин, на кейин қўл ювиш бор, гўёки қўлларини аллақачон ювиб, қўлтиққа уриб қўйишгандек. Бу ҳолатни қишлоғимиздагина эмас, турли ҳудудларда кузатяпман. Наҳотки, муқаддас нонинг ҳурматини жойига қўйишимиз шунчалар қийин?! Муқаддас анъана, урф-одатларимиз қошида, албатта, эгилишимиз лозим.

Меҳмон кутиш, унинг кўнглини топиш қийин. Дастурхон йиғиштирилмай туриб кетишга одатланган меҳмонга бирор нарса дейиш ундан ҳам қийин...

Келинг, боболардан мерос қадриятларимизга амал қилайлик. Ахир, улар кўп асрлар мобайнида сайқал топган.

Хуллас, яна одатдагидай (аслида одатимизга хилоф!) дастурхон очиқ қолди. Менинг кўнглимда ранж, иштибоҳ...

Сиз нима дейсиз, дастурхон атрофида ўтирган азизлар, даврадошлар?

**Дилафрўз ЎРОЗОВА,**
Навоий вилояти

Юртим жамоли

## ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН ШАҲАР

### ёки трамвай йўналишидан ҳаяжонли таассуротлар

**Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали қошидаги академик лицейида ишлайман. Ўқув юрти дарвозаси ёнида трамвай бекати бор. Таъкидлаш керакки, йўналишнинг охири ҳисобланмиш мазкур «Сартепа» бекатининг қурилиши ҳудуд манзарасини ўзгартириб, чиройини очиб юборди. Трамвай йўли ҳалқаси бунёд этилиб, унинг атроф-ҳудуди ободонлаштирилди. Бекатнинг қарама-қаршисида етти қаватли уй фойдаланишга топширилди. Қурилишлар ҳали давом этяпти. Хуллас, бунёдкорликдан барча хурсанд.**

Ишдан сўнг уйга отланганимизда бекатда замонавий темир изли улов кутиб туради. Ўзини Муҳаммаджон Тошмирзаев деб таништирган ҳайдовчи яратилган шароитлардан миннатдор. Асли тошкентлик, хушбичим кийимлари ўзига ярашган, муомалали бу йигит кўп йиллар пойтахтда ҳам трамвай бошқарган экан. «Ишимни яхши кўраман, — дейди у. — Трамвайлар янги, Чехословакияда ишлаб чиқарилган. Салони кенг, ойналари катта, теварак-атроф яққол кўринади, йўловчилар учун ўнғай, бошқариш қийин эмас.

Трамвай оҳиста ўрнидан қўзғалди.

Икки бекат юришимиз билан салон гавжумлашди. Йўловчилар орасида ёшлар кўпчилик. Сезишимча, аксарияти бу уловнинг доимий мижозлари. Трамвайда оқшомги шаҳар манзараларини кузатиш жуда мароқли. Янгиланишлар яққол кўзга ташланади. Мана, бозор ва эски ҳовлилар ўрнида қисқа муддатда чиройли кўп қаватли уйлар қад ростлади. Бинолар ичидаги ёниқ чироқлар хонадонлар эгаларини ҳам топиб улгурганидан дарак бермоқда. Уйларнинг биринчи қаватида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари жойлашган.

Йўлда яна салобатли мусиқа мактаби кишини эътиборини тортади. Бу ерда ёшлар пианино, гитажак чалишни ўрганаяпти. Кечки дарс бўлса керак. Яна озроқ юрсангиз, яқинда қурилиб фойдаланишга топширилган «Атлас» медиа маркази кўзга ташланади. Ҳавас қилса, арзийдиган иншоот. Бу жойдан ўтаётиб минораси осмонга найзадек қадалиб турган 3 та баланд қурилиш «крани»ни кўрасиз. Қуёш ботаётганда улар, айниқса, ҳайбатли ва сирли бўлиб кўринади. Бир пайтлар Самарқандда бунақа «кран»лар кўринмай қолувди. Борлари ҳам йиллаб ишлатилмасди. Бугун шаҳар тинимсиз ҳаракат қилаётган юзлаб шундай қурилиш техникалари билан тўлиб ётибди. Бунёдкорлик авжида.

Амир Темур ва Буюк Ипак йўли кўчалари туташган чорраҳани самарқандликлар «Миттитуман ҳалқаси» деб аташарди. Энди бу ҳалқа йўқ. Номи қолди, холос. Сартепадан келаётган трамвай шу ердан чапга, темирйўл вокзалига қараб бурилади. Тўрт томон замонавий бинолар билан ўралган. Кўп қаватли уйлар, «Регистон» супермаркети, ажиб меъморчилик услубида қад ростлаган «Самарқанд» чойхонаси ва бошқа аҳолига хизмат кўрсатиш иншоотлари бир-бири билан уйғунлашиб кетган.

Трамвай бурилгандан сўнг бироз секинлашиб, «Буюк Ипак йўли» бекатида тўхтади. Чамамда, 10-12 киши тушган бўлса, янада кўпроқ йўловчилар трамвайга чиқишди. «Дамариқ» бекатида эса бу ҳолат бир неча ҳиссага кўпайди. Хуллас, ҳар бир бекатда кимдир тушаяпти, кимдир чиқаяпти. Барча ўз манзили томон ошиқади.

«Дамариқ» бекати билан «Тарих музейи» бекати оралиғи беш юз метр атрофида. Илгари бу жойда автомобиллар бир томонлама ҳаракатланарди. Буюк Ипак йўли кўчасидан вокзал томон юрмоқчи бўлсангиз, икки кўча айланиб, сўнгра Беруний номидаги кўчага чиқишингиз ва вокзал тарафга қайрилишингиз зарур эди. Бу анча-мунча вақт ва ортиқча ёқилғи сарфланишига сабаб бўларди. Эндиликда кўчанинг бу қисми кенгайтирилиб, икки томонлама автомобиль қатнови йўлга қўйилди.

Кўча кенгайтирилиши муносабати билан кўримсиз дўконлар бузилди. Уларнинг ўрнида 5 та катта, учтўрт қаватли иншоот қад ростлади. Бу ерда ҳали қурилиш тўхтагани йўқ. Яна 2 та 9 қаватли ва 4 та кўпқаватли бино барпо этилмоқда.

Трамвай йўналиши — ўзига хос туристик маршрут. Самарқандликлар меҳмонини шу уловда сайр қилдириши мумкин. Бу уларга олам-олам таассуротлар ҳадя этиши шубҳасиз. Президентимиз ўтган йили трамвайда темирйўл вокзалигача бориб, қатновнинг очилишида иштирок этган эди. Ўша кун Самарқандда ўзига хос байрамга айланди.

Керакли бекатда уловдан тушдим. Оқшом ўтиб, тун кириб келаётган эди. Шаҳар осуда уйқуга кетмоқда. Қулайликлар яратаётган, юртни гуллатаётганлар эса ҳали қизғин иш билан машғул.

**Амрилло АҲМЕДОВ**

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-йил 11 январда Ўзбекистон ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир:**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Абдулазиз Абдуллаев, Тўлқин Тешабоев, Эсон Ражабов, Улуғбек Жалменов, Фарҳод Ханапияев, Равшан Бедилов, Асрор Ишанходжаев, Муҳаббат Ўрмонбекова, Оксана Белоусова, Тимур Мамажонов *(бош муҳаррир ўринбосари)*, Акмал Тошев

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт— 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш— 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Сотувда эркин нархда.
Газета «Ishonch»нинг компютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисоб рақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** — (+998-91) 268-92-32
**Андижон** — (+998-91) 475-23-60
**Бухоро** — (+998-93) 653-50-81
**Жиззах** — (+998-91) 943-67-44
**Наманган** — (+998-90) 260-50-77
**Навоий** — (+998-93) 314-13-03
**Самарқанд** — (+998-97) 915-50-87
**Сирдарё** — (+998-90) 610-95-55
**Сурхондарё** — (+998-91) 233-69-07
**Фарғона** — (+998-91) 141-27-70
**Хоразм** — (+998-90) 719-48-00
**Қашқадарё** — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

**Навбатчи муҳаррир:**
У. Ибодинов
**Навбатчи:**
С. Ҳайдаров
**Мусаҳҳиҳ:**
С. Шодиева
**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов
Босишга топшириш вақти: — 00:10
Топширилди: — 00:30
1 2 3 4 6
Газета офсет усулида,
А-2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **Г — 309.**
**36887** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133